

АБДУМАЖИД АЗИМ

**КУЁШ
БОЛАСИ**



Шеърлар

Тошкент
«Камалак»
1992

ISBN 5—633200740—9

A $\frac{4702620202—176}{356 (04)—92}$ 13—92

© А. Азим. «Қуёш боласи», 1992.



Бу китобни онам Бағалой
Қээихўжа иби Фозилхўжа
қизига бағишлайман.

УЛАЁТГАН ТУПРОҚ

Нечун бу тупроқнинг ҳар битта гарди,
Исёндан шу қадар ҳайиқиб турса,
Нечун бу улуснинг бўлмаса марди,
Бўлса ҳам ўзини хилватга урса.
Бўғизда бўғриқиб музлаган тиллар,
Юракда бардошу қаноат унар.
Ҳасрат-ла эгатга эгилган беллар,
Туришга чоғланса қарсиллаб синар,
Заҳмат даласида гезарган ўғлон,
Нечун юрагингда нолалар йўқдир.
Нечукким, даҳолар туғмас бу Осмон,
Нечун бу заминда волалар йўқдир?

Замин айланади — тегирмон тоши,
Дорлар тикилади — бошланар қатл.
Хун ила қоришиқ Ватан кўзёши,
Қачон бу тупроқда тикланар адл!
Адлу адолатдан, ҳаққу, халлоқдан,
Юз буриб бемалол — наслимни сўйдим.
Бир садо янгради ноҳос овлоқдан,
Улаётган тупроққа бошимни қўйдим.
Юз тубан ётибман, билмай ўзимни,
Тескари, тескари дея бу қисмат.
Худолар тингламас алҳол сўзимни,
Шайтонни лаъинга қилурман хизмат!
Умрим адо бўлур гумонлар ичра,
Ростини сўзласам осийман, бадкор.
Нокасу таъвия, тубанлар ичра,
Менинг ўзимдирман ашаддий мурдор!

* * *

Фақир йўли панада дерлар,
Ётар ери ёнада дерлар,
Фақирмисан, ҳақирми, нодон
Юраккишам, уйқудан уйгон.

Кўзинг ерда, кўнглинг ойдадир
Оёқларинг аммо лойдадир.
Қийнал майли, азобдан, тўлгон
Юраккинам, уйқудан уйгон.

Сохта урфу таомилни буз,
Алиф қадли Ватан — элни туз,
Номусингни, орингни қизгон,
Юраккинам, уйқудан уйгон.

АРОСАТ

Тўғри юриш — маън этилади,
Унга юриш — хатар,
Чапга юриш — хатар,
Ортга қайтиш — маън этилади,
Туриб қолиш — Жарима.

* * *

Имон унутилди,
Булғанди ҳалол,
Виждонлар ютилди,
Оқибат — завол.
Енг ичида турар ҳақиқат қўли,
Оғзимга тепади жаҳолат қули,
Эзгу адолатнинг
Ватани — тупроқ,
Яланғоч саҳрога
Дўнади мутлоқ.
Ёвуз руҳ ҳаддидан ошади баттар,
Кир қўллар чўзилар осмонга қадар,
Инсоф, диёнатнинг
Синглиси, осмон,
Юм-юм йиғлайверар,
Йиғиси ёмон.
Жаҳолат кир дастин чўзаверади,
Осмондан юлдузни узаверади...

Вужудим — муз, нафасларим — муз,
 Езғираман қисматни мудҳиш.
 Таъқиб қилар мени изма-из
 Болалигим — ғўр, думбул ўтмиш.
 Таъқиб этар бепарво, беғам,
 Орзуларни тиниқ бир ўсмир.
 Елвораман, мен бошқа одам,
 У ортимдан югуради зир.
 Келаверар тинмай изма-из,
 Ўғлим тенги қайсар, ўр бола.
 Ўз ҳолимга чекаман афсус,
 Едга тушар: қишлоқ, тун, дала.
 Дилгир ҳаво, сиқилар кўнгил,
 Дардларимни тунга айтарман,
 Ўтмишимни чорлайман, келгил,
 Ўзлингимга қачон қайтарман?
 Омонат бу дунёдан масрур
 Умрим ўтди бенаф, бесамар.
 Болалигим, тушунгин, ахир
 Мағлубликдан изладим зафар.
 Не қилайин, қайтолмасман ҳеч,
 Болалигим. Тупроқ, тун, дала.
 Эзиб-эзиб ёмғир ёғар кеч,
 Бошлаб қўйган шеърларим чала.
 Вужудим — муз, нафасларим — муз,
 Туюлади олам тор қафас.
 Бир оҳангни такрорлайди: Куз —
 Дунё мангу, умр бир нафас...

Давр айбдормас,

даврни сўкманг,

Маломат ўқларин отманг замонга.

Ҳеч қачон Заминга кўзёшни тўкманг,

Тош қилиб кўзёшни

отинг осмонга.

Токи бу тош учсин ғанимлар ёққа,

Бу тош

ғанимларнинг бошини ёрсин.

Ачинманг тўкилган кузги япроққа,

Дарахтни овутманг.

Йиглаб, оҳ урсин!

Елғон шиорларни тўқиб ўзингиз,

Улусни алдаманг.

чайнаманг сўзни.

Чиранманг,

пахтаси чиқиб кўзингиз.

Аввало ажратинг, душманни,

дўстни!

Майда қўрқувларни узлатга ташланг,

Ўткинчи ҳислардан юраклар тонсин.

Ҳар бир ишорангиз, ҳар сўзингиздан

Манов ухлаётган

Одам уйғонсин!

Сўзни байроқ қилиб кўтарган эрлар,

Сиздан журъат кутар Ватан,

Халқ, Замин.

Тирик виждон билан ёзингиз шеърлар.

Қорин ғаминимас,

ўйлаб юрт ғамин!

Сизга оғир бўлар бу йўл, эҳтимол

Етиб боролмассиз,

қуларсиз йўлда.

Аммо юрагини очиб бемалол,

Куйлай ололганни Ҳақ турар қўллаб!

ЎЗБЕГИМ

Ўз-ўзимга бегим дейсан,
Аждодингни мақтайсан.
Қўрингандан дакки ейсан,
Фарқобликда ухлайсан.
Танти ўзбек.
Содда ўзбек,
Суйкалганинг суймади.
Нечун ёлгон сўзга учдинг,
Ё мучалинг қўймиди?
Фисқу фасод, ёлгонларга
Эш бўлдингми, ўзбегим.
Нияти шум, ёмонларга
Хеш бўлдингми, ўзбегим?
Қайсар ўзбек,
Ўжар ўзбек,
Гапга мунча нўноқсан.
Оғаларинг наздида сен
Ўғри, текинтомоқсан.
Ўзбек десам,
Тошлар йиғлар,
Ёд этиб, ёд ўзбегим.
Ўзбек дессам,
Бошлар йиғлар
Дод этиб, дод, ўзбегим!
Баттол ўзбек,
Каттол ўзбек,
Чирқиллатиб босарсан.
Бегонамас, жигарингни
Обғидан осарсан.
Осмон ўзбек,
Армон ўзбек,
Ягонасан, она юрт.

Қачон ҳақнинг таниб ўздек,
Уйғонасан, она юрт.

Замин ўзбек,
Ғамим ўзбек
Тарихинг кўп буюқдир.
Қоматинг дол, рангинг бўздек,
Юракларинг куюқдир.
Шербаччалар туққан онам,
Муштипарим, ўзбегим.
Елғизгинам ҳам яғонам
Болу парим, ўзбегим.
Ёмонларга ёмонлик кам,
Қўрқма, саваш, ўзбегим.
Кечиб молу жонингдап ҳам,
Номус талаш, ўзбегим,

Қамишдан мен тикайин либос,
Сен зарбоф деб қабул эт уни.
Уйим бўлар, ишон, бир куни,
Керак бўлмас ҳеч қандай жиҳоз.

Уйим бўлар
Қамиш каталак,
Оғринмагин сира ёздиқдан.
Оқ тун.
Қамиш либосли малак.
Бошингни қўй бу пок ёстиққа.

Очиқ томдан боқамиз ойга,
Оқ тун.
Қалблар жуфт тепган дамлар.
Сен бунчалар тенгсиз чиройда,
Хира тортар барча ҳашамлар...

* * *

Куним ғурбат, туним ғурбат, сафолар қайда
қолмишлар,

Хобгоҳим совуқ турбат, садолар қайда қолмишлар?

Фалак бедодидин токай, аё дўстлар фиғон эттим,
Вале кўксимни тоғ этган наволар қайда қолмишлар?

Букун телба хаёлимдин девона деб кулур мардум;
Хор кўнглимга бир ҳамроз, гадолар қайда
қолмишлар?

Ўтар-ку умри нокомил, улус дардин чекиб ҳар дам,
Қани юртим деган эрлар, адолар қайда қолмишлар?

Ғаюр дунё кулур бир кун, таним туфроғ ўлур бир кун,
Руҳим бот этмоққа бунёд худолар қайда қолмишлар?

* * *

Қилардим истагинг лаҳзада бажо,
Қўлларим етарди чўзсам қуёшга.
Анграйиб қарама, кўзларинг бежо,
Кечир, Абдумажид, энди мен бошқа.

Эргашма соядек, ўз ҳолимга қўй,
Зормасман аҳтимол сендек сирдошга.
Йўқдир бу атрофда сен қараган уй,
Кечир, Абдумажид, энди мен бошқа.

Аниқ билар эдим огир бу йўлим,
Тоқату сабримдан сўрардим суянч.
Бу ифлос қўлларга тегдию қўлим,
Ўзим-ўзлигимга туюлдим аянч.

Қошки бу дунёга келмаган бўлсам,
Ҳақсизлик нелигин билмаган бўлсам.
Тобут камлик қилар, холос бу лошга
Кечир, Абдумажид, энди мен бошқа.

Маҳшарда не дейман, худо — бардошга,
Вужудим айланди зил-замбил тошга,
Юрагим айланди кўзимда ёшга,
Кечир, Абдумажид, энди мен бошқа.

ВАСИЯТ

Бўлак ҳеч нарсам йўқ
Ҳаётдан ўзга,
Мерос қолдирарман
Сенга шу Сўзни.
Умринг узоқ бўлар,
Киарсан юзга,
Хизматин қиларсан
Ота Улуснинг.

Ҳеч нарсам йўқ сенга
Қолдирсам мерос,
Алам-огриқларим
Раво ўзимга.
Бироз инсофли бўл,
Камтар бўл бироз,
Зинҳор бино қўйма,
Болам, ўзингга.

Бисотим бўлсайди,
Берардим буткул,
Неки топган бўлсам
Манглай теримдан,
Ота-онангамас,
Юртга ўғил бўл,
Нопок қадамларини
Супур Ерингдан!

Ҳеч нарсам йўқ сенга
Ҳаётдан бўлак,
Қўлга илингудек
Ақалли бир хас.
Фақат охирги Сўз,
Охирги тилак;
Умрингни қўрқмасдан
Яшай олсанг, бас.

* * *

Сина, мени синайвер, юрак,
Вужудимда йилларнинг занги.
Қийна, мени қийнайвер, юрак,
Оқарган соч йўлларнинг чанги.

Нуҳ кемаси қолиб гирдобга,
Тўфонларга бўлгандек тутқун.
Азобдан дил тўлиб зардобга,
Мағлубдирман, юрагим бу кун.

Нечун солар кўксимга чангал,
Одамман деб юрган ҳар нокас.
Юрак, сенга айтаман дангал:
Мени кўп ҳам эркалатма, бас!

Қийна, мени қийнайвер, юрак....

Оқ қоғозим томорқам, ерим,
 Мен ҳам уруғ қадаган деҳқон.
 Етиштирган ҳосилим — шеърим,
 Кўтараман сарбаланд хирмон!
 Тер тўкаман, тўйдирсам зора
 Юртнинг шаҳар, қишлоқларини.
 Фарқ пишмоқда ҳосил тобора,
 Кўтаролмай бошоқларини.
 Тер тўкаман,

букилиб белим,
 Элу-улус очлик кўрмасин.
 Ширмой нонлар ясагин, келин
 Тандингда олов гурласин!
 Халқинг учун ёняпсан, демак
 Виждонинг эш бўлмас ёлгонга.
 Ҳақ сўзингдан тондингми, юрак,
 Фарқинг йўқдир қуруқ сомондан!
 Мўъжизадир,

бедор ҳис билан,
 Англаб етсанг тугал оламини.
 Тўйдиролсанг ширин сўз билан
 Очу наҳор юрган Одамини.
 Оқ қоғозим,

қалбда тўрт фасл,
 Тугамайди орзу, армонлар.
 Оқ даламда пишади ҳосил,
 Айланади шўх тегирмонлар.
 Оқ қоғозим — меҳнат, машаққат,
 Толдиради баъзан кўзларни.
 Езишим шарт юзингга фақат,
 Тўқмағизли, пишиқ сўзларни!



Юраккинам йиғлайди сим-сим,
Осмон жим.
Ёмғир эзган тупроқ оралаб,
Ватан борар тонгни қоралаб.
Эл-улуснинг дард-ҳасрати мўл,
Юрагимнинг қонидир бу йўл.

Юраккинам йиғлайди сим-сим,
Осмон жим.
Ватан борар, якка, ягона,
Ватан борар, бахтдан бегона.
У — тилимга эккан ёлғиз сўз,
У — муштимга туккан ёлғиз кўз.

Юраккинам йиғлайди сим-сим,
Замон жим.
Ватан борар, кўзлари қонли,
Ватан борар, соғиниб тонгни.
Билдим, унинг ўтмиши суюк,
Билдим, унинг юраги куюк.

Юраккинам йиғлайди сим-сим,
Мен жим.
Широқ, Жалол, Бобурлар қани,
Халқим, деган ботирлар қани?
Атрофимда ювош бир нуфуз,
Янчиб поймол этилган номус,
Юраккинам сўрайди сим-сим,
Халқ ким???

УХЛАЕТГАН ҚУЛНИНГ ДЕГАНИ

Томар хўжайиннинг қамчисидан қон,
Умрим мутеликда ўтишин уқдим.
Соқов ҳасратларим қалбимда пинҳон,
Озод ҳисларимни қабрга тикдим.

Томуғ азобига борарман тикка,
Тийра қисматимга кўникдим ночор.
Фақат ўтинчим бор сизлардан якка,
Бир мизғиб олайн, бермангиз озор.

Ғафлат қучогида бахтлиман жуда,
Танимни роҳатбахш недир қитиқлар.
Ҳуррият ҳақида сотиб сафсата
Ухлаган чоғимда қилманг нутқлар.

Бақриб тушимни буздингиз, холос
Шафқат билмадингиз, қалб бўлди пора,
Тушимда қушлар-ла қилардим парвоз,
Уйғониб ўзимни кўрдим бечора.

Бобом қул, отам қул, фарзандларим қул,
Вужудим кишанда, юрак ғамбода.
Бу разил қисматга бўйсуниб буткул,
Яшашим гумондир энди дунёда.

ИЛТИЖО

Тириклик ғамидан, заҳмидан чўчиб,
Яшаган дамларим, хайр, алвидо.
Қушга айланайин, кетайин учиб,
Мен Замин юзига сиғмаган — иидо.

Бас қил, ўғлим энди, дея куйинган
Онам сўзларига парво қилмасдан,
Учайин шамолдай, учай қуюндай
Чегара билмасдан,
сарҳад билмасдан

Пиллар тўзонини кечиб ўтайин
Ўғлингга қанот бер, нажот бер, Дунё,
Оламни боламдек қучиб ўтайин,
Ҳеч сўлмас, ҳеч ўлмас ҳаёт бер,
Дунё!

Давлатлар, сарватлар, кечиклар ёлгон,
Кўзёшларим гувоҳ, қоним гувоҳдир,
Оқу қора деган битиклар ёлгон,
Вужудда титраган жоним гувоҳдир!
Учайин Заминда,
беш қитъа бўйлаб,
Подшоҳлар, тузумлар беҳуда, бекор.
Учайин озод бир қўшиқни куйлаб,
Инсонни мен озод кўришим даркор!

Ўўлар иккимизни адаштирди, ёр,
 Кўк юзида офтоб қолгандир тўнғиб.
 Югурдим, мен сенинг ортингдан такрор,
 Кетяпсан, раиғларинг докадек ўнғиб.

Оламда не зотлар қилмапти хато,
 Турфа кечмишларга гувоҳдир тақдир.
 Не сулув қизлар бор оламда танҳо,
 Фақат сен армоним, фақат сен бахтим.

Қол дедим ёлвордим, чопдим ортингдан,
 Жонимнинг жаҳони бир нафас тўхта.
 Ер-ёрларни айтиб кетдинг юртингдан
 Кўзим гардишида мисоли нуқта.

Букун ҳасратларим этмасман биён,
 Малул кунларимга дўстлардир бакор.
 Айт, ёрим умримдан сен кетдинг қаён.
 Наҳот лафз бекордир, муҳаббат бекор?

Боқсам шафақларга шафақлар қизил,
 Офтоб уфқларга бош қўяр секин.
 Ўзимга ҳар қайдан топдимۇ манзил
 Қалбим ошёнини йўқотдим, лекин...

Ловуллаб ёнганда чорбоғларда куз,
 Музлади кўксимда гувлаган исён.
 Кетяпсан, айтолмай нечун бирон сўз,
 Айт ёрим, умримдан кетяпсан қаён?!

ДУШМАН

Бола эдик,
шундоққина дала четида,
Молимизни ўтлатардик биз ўша дамлар.
Қўрқар эдик бригадирнинг маст ўгитидан:
«Қўй-эчкилар пах-та е-са
жа-воб-гарсанлар...»

Тушунсакда,
пахта бизнинг ризқу рўзимиз,
Ўйин билан чалғир эдик баъзи маҳалда.
Элмуроднинг эчкилари алдаб кўзимиз,
Қай бир кунни ўтиб қопти
пахта пайкалга.

— Қасофат бу эчкиларнинг гўзамни еди,
Тиқмасамми, энағарлар керак
жойинга,

Бригадирнинг вужудидан анқиб май ҳиди,
Бир пийпалаб Элмуродни олди пойинга.
Урра қочдик уч-тўрттамыз
дарров туш-тушга.

Бир қочганда тутолмасди бизларни шайтон.
Қочолмади жўрагинам, питирлаб қушдай
Қолаверди тупроқ ютиб,
тупурганча қон!

Сен душмансан, дея
етти яшар гўдакни,
Мўйловлари пир-пир учиб, тепди аямай.
Енар эдик
босолмасдан мурғак юракни,
Тилимиз ҳам тош қотганди, бир сўзга келмай.

Жигарини эзган экан тепки ўшанда,
Жўрамни зум етказдилар шифохонага,
Улган чоғда зорланиб...
...имитти душманга,
Қақшаб-қақшаб йиғладим мен азахонада.

Тушларимга кириб келар тунлар гоҳида,
Уқтиради исларнидир менга бир нафас,
Овози ҳам улгайганга ўхшар чоғимда,
Мени кечир, дўстим дейди,

мен душман эмас.

Қўйгил энди, жўра дейман, агар дўст бўлсанг
Ич-ичимдан ёниб, ўзни ололмай қўлга.
Қон тупурди болалигим ўшанда, билсанг
Форат бўлди болалигим чанг — тупроқ йўлда.
Тупроқ билан усти-боши

беланган ўсмир,

Ҳузуримга ҳамон келар бузиб хобимни.
Алаҳсираб тушларимда силайман бир-бир,
Тепки зарби кўкартирган

ҳамма ёғимни...

* * *

Алаҳлайди тунда хароба,
Босинқираб йўталар қув-қув.
Тайёралар — қовоғариклар
Тепасидан учишар зув-зув.

Одам ўтса оёғи куяр,
Нураган том, ҳужралар бўм-бўш.
Нимадандир мамнунлик туяр
Пироқларга термилиб бойқуш.

ЎЗБЕКЛАР СУЗИ

Ўғирлик қилмадим оч қолганимда,
Ўзгалар ҳақини танидим ўздек.
Сизлар айтганчалик паст бўлганимда
Тирик юармиди бирорта ўзбек.

Гуноҳга ботмадим, қўрқдим худодан,
Башар шоҳид эрур, шоҳиддир олам.
Фақат айирганим ноком дунёдан
Етти шамчирогим, еттита болам.

Бармоқни ниқтайсиз, мана порахўр,
Ҳаммангни чиритгум ҳали қамоқда.
Топамизда оллоҳ шоҳид ҳайтовур,
Магар айбим бўлса, осниг оёқдан.

Магар айбим бўлса, айтсин оқ далам,
Ҳар кимнинг нияти йўлдоши бўлсин.
Жовдираб ўтирган еттита болам
Ҳаром ризқ егунча очидан ўлсин.

Бу кун қонунингиз ҳақиқатдан зўр,
Ҳақни хўрламоқдан лаззат туйингиз.
Фақат, рост сўзидан қайтмайдиган ўр
Ўзбек эканимни билиб қўйингиз...

МУСОФИР

Ҳамма сиёсатдан сафсата ўқир,
Боши-охир ийўқ бир ғалаговур.
Ортидан улфатлар ҳангома тўқир,
Умри ижарада ўтди, ландовур.
Таъна-қочиримлар гўё бир пақир,
Раддия ўрнига жилмаяр, холос.
Сўнг кўча кезади ўртаниб бағир,
Туртиниб ўтади кимгадир бехос.
Қутулмоқ ўйида гунг аросатдан,
Ижара кулбага чопади шитоб.
Сафсата сотади эл сиёсатдан
Пештахталар тўла ваҳима, хитоб!
Бўғзида аллалаб оғир бир куйни,
Узун навбатларга турар мусофир.
Омонат ўтирган ғариб бир уйни,
Чиндан ўзиники қилар тасаввур.
Ун йил ўтса ўтар, бўлмас қиёмат,
(Сизнинг бу борада фикрингиз аён).
Аҳли раъиятда бўлса диёнат,
Ғўдайиб осмонда юрмасди ёлгон!
Тақдирдан нолимай, шикоят қилмай,
Қайтар деб дунёга оқибат, имон.
Таъна-маломатни назарга илмай,
Ун йил ижарада юрди бир Инсон!
Бошини йўқотган аҳли улуғлар,
Бирин нуратасиз, бири битмасдан.
Ғариб ижарада мусофир ухлар,
Ун йил ҳақиқатга навбат етмасдан.

* * *

Қилмиши ўғирлик,

хундан иборат,

Қавми каззобларга бўлганман дучор.

Эзгу ҳисларимни қилмоқда горат,

Дину имонидан кечган нобакор.

Ғижирлар тишларим, оғриқ туяман,

Кўриб кўрмасликка маҳкумман,

зотан.

Узни йиғламоқдан қандай тияман,

Сени куппа-кундуз талашса,

Ватан!

Очофат ўғрилар нарсамга тегмас,

Пинҳон юрагимни мўлжал олмоқда.

Сандиқ тўла молу

ганжина эмас,

Улар кўзларимни қиндан юлмоқда.

Кўзларим косаси

қақраган, бўм-бўш,

Қувғинди кезади кўкда фарёдим.

Қаноти қирқилган исёнкор бир қуш,

Ҳасрат қафасида титраган додим.

Инсоний ҳислардан мангу

мосуво,

Каззоблар унутган она демоқни.

Улар ўтмишимга кул тортар гўё,

Истар хотирамни

улар емоқни!

Ҳаётим гаровда, жоним сотилган,

Қавми каззоблардан шафқат

сўрмайман.

Кўзларимни юлган қонхўр қотилга

Қасоскор ёдимни

асло бермайман.

* * *

Харобот кунжида сайраган булбул,
Хазон гулзорида кўкарган бир гул,
Қарғалар ичига тушибман айро,
Қузгун бўлолмадим, ёронлар.

Сен, эй гариб кўнглим, потавон кўнглим
Ундек уваланган менинг дон кўнглим,
Кулли манзиллардан ўтдим, вовайло,
Тургун бўлолмадим, ёронлар.

Мен-да телбадурман, мен-да савдойи,
Фано ранжидаким ёндим ҳавойи,
Бу не оловдирки, эй, қодир худо,
Учқун бўлолмадим, ёронлар.

Қийнадим юракни, қийнадим тилни
Оҳ урсам, оҳимдан уйғотдим елни,
Бошга кўтарсам-да улусни, аммо —
Суйгун бўлолмадим, ёронлар.

ТАХТ

Халқим, деди етти букилиб,
Имкон беринг, ўзимни синай.
Халқим, деди мулойим кулиб,
Изн беринг, бул тахтга минай.

Тилло тахтга ўтиргизди халқ,
Сўзларига қилмасдан гумон.
Аврамоққа тож соҳибин нақ
Ин қурганди тахтда бир илон.

Кимки келиб ўлтирса магар,
Елкасига чиқар айри тил.
Элинг дейди, подадан баттар,—
Фармонингни юрит, газаб қил!

Ахтаришиб ҳақиқат сўзин,
Мардум қолди гимирлаб пастда.
Хира тортди даставвал кўзи,
Заифлашди тафаккур аста.

Рўзгори бут, қозони ёғлиқ,
Тупурди у тамом барига.
Халқми, дейди қовоғи солиқ,
Очдан ўлса, ундан нарига.

Илон шоҳнинг кўнглин тўлдирар,
У саройда ноёб, арзанда.
Халқ билмайди, тахтда ўлтирар
Одамтахлит совуқ газанда.

* * *

Юракда уйғонар
Минг сас, минг овоз.
Унга жўр бўлади
Майсалар, гуллар.
Юракка тор келар
Бу кўкрак — қафас,
Юракка тор келар
Масофа, йўллар.

Юракка тор келар
Замину осмон,
Қалбимда уйғонар
Шамоллар, еллар,
Ер — туғён, кўк — туғён,
Кўкракда туғён,
Бўғзимда ханжарга
Айланар тиллар.

Ҳайратим уммондир,
Журъатим чақмоқ,
Бардошу саботим
Беҳудуд Осмон,
Руҳимга Алпомиш
Ташлайди нигоҳ,
Минглаб томиримда
Гупура исён,

Тўлғанар, ингранар
Аждодлар хоки,
Юракда уйғонар
Минг сас, минг овоз,

Жамийки тириклик
Уйгонмас токи,
Демак бу гафлатдан
Уйгонганлар оз.

Қақроқ кўзларингда
Шуълалар кулсин.
Англадим, юрт сенга
Зиёлар керак.
Мангу уйгонганинг
Муборак бўлсин,
Англаб ўзлигингни
Дунёда, юрак!

Ўзлим англатар
Ҳар бир дақиқа,
Тоқатим синайди
Эзгин япроқлар,
Малъунлар пойида
Ёниб тупроқлар,
Кўзларин очолмас
Токай — Ҳақиқат!

Ўзлим англайман,
Очилар Кўзим,
Шабпарак қўрқувдан
Бўларман, халос.
Тошларни синдириб
Ҳайқирар Сўзим,
Юракда уйғонар
Минг сас, минг овоз.

АЛАМ

Юрагим қонини қатралаб ичдим,
Ўзим ўз жонимдан тамоман кечдим.

Нечун сен жонимдан кечмадинг, алам,
Қонимдан сен қониб ичмадинг, алам.

Юмай кўзларимни бесадо, бесас,
Изтироб фарёддан тўйиб кетдим, бас,

Десам, ҳол-жонимга қўймадинг, алам,
Ҳануз сен қонимга тўймадинг, алам.

ХУЛОСА

Асли бу дунёнинг номи ботқоқлик,
Маддоҳ бақавойлар
Моҳир шоирлар,
Тахтда ўлтиради бирон сайроқи,
Пуфакдек шишади
Алвон шиорлар.
Асли бу дунёнинг аҳли дониши,
Буюк юмушларга қодир бегумон.
Исташса, тезлатар
Қуёш сўнишини,
Исташса, ботқоққа дўнар биёбон.
Асли бу дунёда ҳамма ақлли,
Ҳамма ҳукмдорга
Хизматда солиқ.
Асли бу дунёда йўқдир бахиллик,
Ҳеч ким таҳқирланмас меъёрдан ортиқ.
Асли бу дунёнинг бечоралари
Қувноқ масхарабоз,
Ҳафтафаҳм, майда,
Куйлар томоқ йириб фуқаролари.
Бундай жаннат диёр топила қайда?!
Асли бу дунёда бахтдир — қашшоқлик,
Асли бу дунёда турфа меъёрлар.
Бўлган-тургани шу,
Базм, машшоқлик,
Пуфакдек семирган ёлғон шиорлар.

Тасодифми, қисмат зайли,
 Бир кемага тушди нақ.
 Адовату кин туфайли,
 Эл бўлмаган икки зот.
 Эвоҳ, бехос тўфон қўпди,
 Кема бўлди сувга ғарқ.
 Жами тирик жонни ютди,
 Ебтўймас, гунг гирдибод.
 Тирик қолиб, икки дунё
 Эш бўлмаган икки кас.
 Чиқишдилар сувда юзган
 Жаҳонгашта тахтага.
 Гапу сўзсиз ўтиришиб,
 Андак ростлашиб нафас.
 Шукроналар айтишибди,
 Узларининг бахтига.
 Оқим қайга элтмоқдадир,
 Англамас бу икки зот.
 Сўз айтишни ўйладилар
 Бир-бирга бериб далда.
 Адоват — кин ажратганди,
 Юзлаштирди бот ҳаёт,
 Биродарга айландилар
 Ғанимлар шу маҳалда.
 Яқинлашиб умид-қирғоқ,
 Замин кўринган заҳот.
 Яна сўзсиз ажралишди.
 Улар икки томонга.
 Фалокатда бир тахтада
 Жон сақлаган одамзот,
 Сиғишмади нимагадир
 Бежавотир жаҳонга...

* * *

Чайнаганинг гумон, ютганинг ростдир,
Ҳар кимки ҳолиниги англагай, дўстдир.

Кўзингда ёш юрсанг, ганим шод бўлар,
Ўзини ерга урсанг, дўстинг ёт бўлар.

Ёгса ҳам бошингга турфа балолар,
Зинҳор фарёд қилма, қилма нолалар.

Кўр дема осмонни, тошларни ҳиссиз,
Улар ҳасратини тушунар сўзсиз.

Сен соқов тошларнинг қошига боргин,
Шўр бу пешонагни бир уриб ёргин...

Уйғонаман эртага тонгда,
Бошқа одам бўлиб тураман.
Унутилган не бўлса қонда,
Барчасини тирилтираман.
Одамларга бўлган ишончим,
Севинчларим гуллар қалбимда.
Йўқотилган гўдак қувончим,
Ўкинчларим титраб лабимда.
Юрагимда кечар бир туйғу,
Туюлади олам кўзга тор.
Бегонадир руҳимга қайғу,
Ҳайқиради кўзларим бедор.
Кечаётган ғофил асрлар
Уйғонади бу тонгда бўзлаб.
Тарс ёрилиб кўҳна қабрлар,
Марҳумлар ҳам юборар сўзлаб...
Уйғонаман, руҳимда титроқ,
Оҳларимни ичимга ютиб.
Зулумотни унутиб бироқ,
Ёруғликни энтикиб кутиб...

* * *

Ёлғизликда ўтирсам, ёлғиз,
Тобут каби туюлар хона.
Эрмак қилиб бу жонсиз қоғоз,
Шивирлайди менга, Девона.

Ёлғизликда ўтирсам, бесас
Ҳар лаҳзада таҳлика, ғурбат.
Ўлишим нақд чиқарсам нафас,
Ёлғизликда ўтирган ФУРСАТ.

Ёлғизликда ўтирган дамлар,
Ўзим билан сўзлашиб ўзим,
Бунёд бўлар бешумор Ғамлар
Алам тўла ёшингдан — Кўзим.

Ёлғизликда ўтирсам, ёлғиз
Бўзлаб турар бошимда осмон.
Сатрларим бечора, маъюс,
Тириклигим туюлар ёлғон...

Севгилим, ғамларинг ўтиб кетади,
Кўзинг бешигида улғаяр илоҳ.
Йиллар ёстигингга тошдек ботади,
Севгилим, бу ўпич бир гўзал гуноҳ.

Севгилим, қарғишлаб яшайсан мени,
Моҳ каби тўлишиб кулаётган дам.
Ялмоғиз оғзинга ташлайсан мени
Кўзгуга ўзингни солаётган дам.

Севгилим, дунёда шоҳу гадо тенг,
Номсиз бир юлдуздек кўкда порлайман.
Қалбим мазорига бош уриб юм-юм,
Руҳим соясини кел, деб чорлайман.

Севгилим, хароба, чолдевор эмас,
Жаннатий гўшада қилармиз висол.
Қафтдаги юрагим булбуллар смас,
Ёсуман бизларни ютмагай, алҳол.

Севгилим, айрилиқ мисоли туман,
Ҳали учрашамиз гуллар фаслида.
Яна аввалгидек сўзсиз, бегумон
Гаплаша бошлаймиз қушлар тилида.

БАҲОР

Ҳамал елаверар боғларга шитоб,
Бодом гулларининг кўзида савол,
Яшил кўйлагини кияркан шу тоб,
Қўрқар танҳоликдан мажнунтол.

Қушлар подасини сиғдиrolмас кўк,
Ҳаммаёқда байрам, фасли уйғониш.
Ҳатто чумолига энди тиним йўқ,
Жилга лабларида тушмайди хониш.

Диллар роз айтади, жуфтлашар дунё,
Не тоқдир борлиқда, кўзида ёшлар.
Суқилар бир-бирин пинжигга гўё,
Узоқ айрилиқдан толиққан тошлар.

Офтоб кафтларимга қўниб яйрайди,
Юрак толиқади гаройиб ҳисдан.
Сувлар кўзларини йириб қарайди,
Оламни уйғотган гаройиб қизга...

ДЕВОНА БОБО

Йиллар орзу,
Йиллар армон,
Елиб ўтдим. -

Кўзим гирён,
Дилим бирён,
Бўлиб ўтдим.

Йиллар некбин,
Йиллар ёлғон,
Билиб ўтдим.

Неки бадбин,
Неки Ёмон,
Кулиб ўтдим...

Вужуд парчинланган:

Парчиндир жисм.

Босириқ туш ичра алаҳсирайман.

Бўғзимга тиқилар нотаниш

Исм,

Нотаниш қиз, сени тундан

сўрайман.

Фалакда моҳ ёлғиз, бир ўзим ерда,

Юракда ноумид қўрқинч, таҳлика.

Яшадинг қай замон,

қай бир асрда.

Унгимда кўролмас, кўрмас маликам!

Йўқсан,

бу дунёда бўлмагансан ҳеч,

Сенинг ҳасратингда йиллар учдилар.

Кечикдим. Қошинга боролмадим. Кеч...

Сочларинг ёстиқни беҳол қучдилар!

Севгилим, бу сира мумкин эмасдир,

Йиллар тўлқинида

бадар кетмагил.

Ҳаётим қисқадир, битта нафасдир,

Жонимдан жаҳоним

қадар кетмагил!

Афсус,

Адаштирди Вақт бизларни,

Йўқсан бу дунёда,

афсус, кечикдим.

Муҳаббат бобида таңҳо сўзларни,

Мангу айтолмасдан

ёниб ичикдим...

ЭСКИ ҚУШИҚ

Йўқчиликдан хор бўлиб ким,
Ким очликдан ўлганда,
Давру даврон пулдорники,
Молдорники бўлганда

Бой қишлоқнинг бой йигити
Сенга солди-ку оғиз.
Бўй етмаган ўсмирлигим
Бўзлаб қолди-ку ёлғиз.

Заъфарондай сарғайтириб
Тўлин ойдай тарзингни
Тошбағир бу отагинанг
Тингламади арзингни.

Дол бўйнингга осиб қўйган
Маржонимни узди-ей.
Юрагимда қурган биллур
Қўрғонимни бузди-ей.

Бойваччалар қилар ўйин.
Юз-кўзини мой босган.
Букун оқшом кўриб тўйинг
Кўкда ой ҳам қон қусган.

Келгандирман зўрлар билан
Қилай дея бир саваш.
Талабгоринг мардми, номард
Билай дея эй, маҳваш.

Бир жиғига тегайин деб
Жўрасига сўз қотдим.
Бойқишлоқнинг оғзи қийшик
Тўрасига сўз отдим.

Қурашайин деган эдим,
Жоним тикиб сен учун.
Кўр бўлгур-а, қўрқоқ экан,
Паналаб турди беун.

Чимилдиққа ўраб тунда,
Тўлин ойдаи юзингни.
Қуёнюрак бойваччалар
Ўғирлашди ўзингни...

* * *

Кеча ўтди, ошиқар саҳар
Ер айланар кўксида оғриқ.
Кеча ўтди, мудрайди шаҳар,
Мудрамоқда толиққан борлиқ.

Қўрқув ўтди, чекинди сукут,
Дилгир тушлар кўрганим ёлғон.
Ўтмишимни қилиб-да унут
Қуюн ичра кирганим ёлғон.

Жим тураман, субҳ олдидан
Алағдадир недан бу кўнгил.
Мужда айтиб эзгу толедан
Эзиб-эзиб сайрайди булбул.

Ишонаман такрор ўзимга,
Ёлғон ўтди, энди ҳақиқат.
Оппоқ нурын қуяр кўзимга
Бобо қуёш ушбу дақиқа...

КУТИШ

Сенинг бир сўзингга илҳақ, умидвор,
Тизгинин бўш қўйдим учаётган вақтни.
Фасллар ўтаверди, кутавердим зор.
Асру замоналар бой берган бахтни!
Кунларим баъзан қуш, баъзида имкон,
Узинг қисмат дедим, манглай ёздиғим.
Вақт — худо, шафқатни билмас ҳеч қачон,
Лаҳзалар оғуга тўлган озиғим!
Вақтни еяверди оч дамларимда,
Кўксимдан узилди жаранг торларим.
Ишонмай тоғ-тоғ ваъдаларимга,
Кетди баҳорларим — сулув ёрларим.
Фасллар ўтаверди, унутиб ўзимни,
Порлоқ аҳдларингни тингладим шоён.
Фасллар сарғарди ўпиб юзимни,
Ростгўйдир фасллар, фасллар ёлғон!
Фасллар ўтаверди, фаслларни унутдим,
Узимни овутдим йилларнинг бағрида.
Телба мунажжимдек кўкка кўз тутдим,
Қўлларим етолмас юлдуз ҳажрида.
Музлади фасллар, бу истак сўнмас
Елвориб тиз чўкдим сенга ошкора.
Масофа оз қолди, аммо йўл унмас
Қошимга келганинг сайин тобора
Фасллар тугади, қаламим синди.
Вақт ҳарир чойшабин тортар кўзимга.
Сўзла, вақтни юргиз, қистайман энди,—
Йилларим

тизгини

турар измингда...

МУСО ЖАЛИЛ

Мендан салом ул қалам қошга,
Тутқун бўлдим қонхўр авбошга,
Оҳим етмас кўкда қуёшга
Айтдим, қайтдим олмасман сўзим.

Қарға-зоғлар чўқийди кўзим,
Ғаним кўпдир, мен якка ўзим,
Тоқатимга тиларман тўзим,
Айтдим, қайтиб олмасман сўзим.

Кўз эмас бу, қонли бир садоқ,
Унутма юрт, унутма тупроқ,
Юрагимни сотмасман бироқ,
Айтдим, қайтиб олмасман сўзим.

Шеърнят, умримни
 сенга берайин,
 Кўнгилли аскардай жангга кирайин!
 Ҳамкору ҳамдамим кўксимда Юрак,
 Ҳақ дея ёнганлар кирар бу жангга.
 Оловли бу майдон,
 ёнмоғим керак,
 Шон-шуҳрат ахтариб келмадим
 бунда
 Халқ дея юрганлар қилар бунда жаҳд,
 Бу жангда
 фидолик, адоликдир — Бахт!
 Бугдойни сомондан ажратиб олдим,
 Эзгуни ёмондан ажратиб олдим,
 Павоний, Машрабни кўнглимга
 солдим,
 Кўнглимга солдиму, ҳаққа йўл олдим!
 Умримнинг тонглари
 кокилин тараб,
 Дунёнинг дардлари бошимга нураб,
 Ошпоқ кечаларни
 кўзимга қориб,
 Келдим, сўзларимдан тилларим оғриб!
 Келдим,
 руҳимдаги довоилар оша,
 Юрагим товонни сирғалиб тоша,
 Ҳақ сўзга ташнаком бир юртни
 ўйлаб
 Сўз айтсам, самимий.
 юракдан бўйлаб,
 Сўзимда собиту, имоним бутун,
 Жангларга кираман қўрқмасдан
 Бугун!

МУНДАРИЖА

Улаётган тупроқ	3
«Фақир йўли...»	4
Аросат	5
«Имон унутилди...»	5
«Вужудимиз — муз...»	6
«Давр айбдормас...»	7
Ўзбегим	8
«Қамишдан мен тикайин...»	10
«Куним ғурбат...»	11
«Қилардим истагинг...»	12
Васият	13
«Сина мени...»	14
«Оқ қоғозим...»	15
«Юраккинам йиғлайди...»	16
Ухлаётган қулнинг дегани	17
Илтижо	18
«Йўллар иккимизни...»	19
Душман	20
«Алаҳлайди тунда...»	22
Ўзбеклар сўзи	23
Мусофир	24
«Қилмиши ўғирлик...»	25
«Харобот кунжида...»	26
Тахт	27
«Юракда уйғонар...»	28
Алам	30
Хулоса	31
«Тасодифми, қисмат...»	32
«Чайнаганинг гумон...»	33
«Уйғонаман эртага...»	34
«Елғизликда ўтирсам...»	35
«Севгилим, ғамларинг...»	36
Баҳор	37
Девона бобо	38
«Вужуд парчинланган...»	39
Эски қўшиқ	40
«Кеча ўтди...»	42
Кутиш	43
Мусо Жалил	44
«Шеърят, умримни...»	45

Азимов Абдумажид.

А. 37. Қуёш боласи. Шеърлар. Т., «Камалак», 1992.—48б.

Абдумажид Азим 1958 йилда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Элбоён қишлоғида туғилган. «Қалбимнинг Ватани» номли шеърый мажмуаси эълон қилинган.

Азимов Абдумажид. Дети солнца.

Уз 2

ЛИТЕРАТУРНО-ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ИЗДАНИЕ

На узбекском языке

АБДУМАЖИД АЗИМОВ

ДЕТИ СОЛНЦА

Стихи

Муҳаррир Тўлқин

Рассом Т. Ли

Расмлар муҳаррири Ҳ. Раҳматуллаев

Техн. муҳаррир Ж. Нодирова

Мусаҳҳиҳ С. Сайдолимов

ИБ № 3039

Босмахонага берилди 11.01.92. Босишга рухсат этилди 1.04.92. Формати 70×90 1/32. 1-босма қоғозга «Литературная гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма листи 1,5. Шартли босма листи 1,75. Нашр листи 1,32. Шартли кр. отг. 1,61. Тиражи 1000. Буюртма № 14. Шартнома 30—91. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон ЕИ Марказий Қўмитаси «Қамалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси 700113, Тошкент, Қатортол кўчаси, 60.